

Date: 17<sup>th</sup> November-2024

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ОММАВИЙ АХБОРОТ  
ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БҮЙИЧА  
ИЛГОР ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ**

**Дониёров Умид**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

З босқич 315 гурух курсанти

**Аннотация:** Ушбу мақолада профилактика инспекторининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини ташкил этиш бүйича Япония, Америка ва Россия каби илғор хориж давлатларининг тажрибаси таҳдил таҳдил қилинганди.

**Калит сўзлар:** Профилактика, компюнтер полиси, жамоат полиция хизмати, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани, полиция.

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталики қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, содир этилиши мумкин бўлган жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мамлакатни ижтимоий иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллади.

Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир фаолиятни самарали бажариши учун нафақат ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва ваколатлари, балки кенг оммавиий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни ташкил этиши зарур. Бугун кунда бир қатор ривожланган давлатларда, хуусусан АҚШ, Россия, Буюк Британия, Австралия, Япония, Хитой, Германия ва х.к)да фуқаролар хавфсизлиги, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таминлашда жамотчиликнинг ролини ошириш, уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид барча жабҳаларда фаол қатнашиши, ўз фаолиятини олиб боришлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишда, жиноятларни олдини олишда кўмаклашиш мақсадида жойларда жамоат ташкилотлари ташкил этилган. Шу оркали улар давлат органлари билан ҳамкорликда самарали иш фаолияти олиб боришни самарали ташкил қилинишига эришганлар.

Оммавиий ахборот воситалари биилан ҳамкорликда тегишли ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб борилиши, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалишига хизмат қилмоқда. Бугунги кунда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши

Date: 17<sup>th</sup> November-2024



курашиш борасида Халқаро жиноятчиликнинг олдини олиш маркази (International Center for the Prevention of Crime (ICPC) 1994 йилда ташкил этилган) фаолият юритиб келмоқда. Ушбу ташкилот унга аъзо мамлакатларнинг ҳукуматлари, маҳаллий ҳокимият органлари, давлат идоралари, ихтисослаштирилган муассасалар ва нодавлат ташкилотлар билан тажриба алмашиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича дастурларни яратиб келади. Бу эса, мамлакатларда ҳар қандай ҳукуқбузарлик, зўравонлик ва бошқа шу каби жиноятларни олдини олиш ва унга қарши курашишга ёрдам беради.

Жамоат тартиби ва Хавфсизлигини таъминлашда Оммавий ахборот воситалари билан биргаликда жамоатчиликнинг иштироки бўйича ўзига хос тажриба Россия Федерациясида ҳам мавжуд бўлиб, хусусан Россияда ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан милицияга кўмаклашувчи жамоат тузилмаларини тўрт гурухга ажратиш мумкин: а) жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида бевосита ҳукуқни муҳофаза қилиш функциясини бажарувчи жамоат тузилмалари – тартибни сақлаш маҳалла ҳукуқ-тартибот масканлари, кўнгилли халқ дружиначилари, казаклар жамияти; б) корхона, муассаса ва ташкилотларнинг меҳнат жамоалари негизида ташкил этилган жамоат тузилмалари – комиссиялар, секциялар, кенгашлар, марказлар; в) яшаш жойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши тарзида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашиш учун тузилган жамоат тузилмалари – мавзелар қўмиталари, ота-оналар қўмиталари, жамоатчи тарбиячилар; г) муйян масалаларни кўриб чиқиши ва қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлган жамоатчилик юрисдикциявий органлари – маъмурий комиссиялар, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар.

Япония полицияси ҳам жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш борасида кенг кўламли тажрибага эга бўлиб, реабилитацион ҳимоя марказлари “Акалар ва опалар”, “Ота-оналар ва ўқитувчилар” жамиятлари ҳамда ўзини ўзи бошқариш (мавзелар) қўмиталари бу борадаги ҳамкорликнинг тенг ҳукуқли субъектларидир. Мамлакатда ҳукуқ-тартиботни таъминлаш, вояга етмаганлар ҳукуқбузарликларининг олдини олишда ўз ўрнига эга бўлган «Акалар ва опалар» жамияти илк марта 1947 йилда Киото шахрида талабалар томонидан ташкил этилган. Ҳозирги кунда мазкур жамият Япониянинг барча ҳудудларидағи юзлаб маҳаллий жамоаларда минглаб аъзолар иштирокида ҳаракат қиласи. Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳукуқбузарликларнинг олдини олишда полицияга кўмалашувчи ота-оналар ва ўқитувчилар жамияти бугунги кунда ҳар бир мактабда ўз ўрнига эга. Ушбу жамиятнинг бутун давлат миқёсидаги фаолияти ота оналар ва ўқитувчилар жамияти Умумяпон Кенгаши томонидан мувофиқлаштириб борилади. Ўзини ўзи бошқариш қўмиталари Японияда Иккинчи жаҳон уруши йилларида, ИИВнинг кўрсатмасига мувофиқ, ИИОнинг функцияларини бажарувчи қўйи бўғин сифатида фаолият кўрсатиб келган бўлса, 1952 йилга келиб, улар қонунга мувофиқ ўз вазифаларини бажарадиган бўлдилар. Полициянинг ушбу қўмиталар билан ўзаро ҳамкорлиги ҳам

Date: 17<sup>th</sup> November-2024



катта аҳамиятга эга. Америка Кўшма Штатларида аҳоли турар жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда полициянинг жамоатчилик билан ҳамкорлиги юзасидан кейинги 12–15 йил ичидаги “community policing”, яъни “жамоат полицияси хизмати” принципига асосланган концепция фаол амал қилмоқда. Бунда полициянинг асосий эътибори микротуманларга қаратилиб, бир томондан фуқароларнинг турмуш тарзини ўзгартиришга ёрдам беради, иккинчи томондан ҳар бир фуқаронинг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олишга ҳиссасини қўшиши мумкинлиги хақида тушунтириш ишлари олиб борилди. Натижада полиция билан фуқаролар ўртасидаги ўзаро ишончга асосланган муносабатлар самара бера бошлади. Жамоатчилик, хусусан фуқароларнинг хукуқтартиботни таъминлашдаги фаол иштирокини рағбатлантиришда полиция томонидан бежириб, эътиборни тортувчи кийимлар бериш, меҳнатларини турли йўллар билан тақдирлаш, бепул кечалар уюштириш, пул мукофоти бериш, оммавий ахборот воситаларида чиқишлиар қилиш, давлатнинг олий мансабдор шахслари томонидан ташаккур эълон қилиш каби турли усувлар қўлланилади . Миллий қонунчилигимизга халкаро хукук нормаларининг имплементация қилиниши фуқаролар тинчилиги ва осойишталигини, анъана ва қадриятларимиз бардавомлигини таъминллаш , жихатидан ҳам, инсонпарварлик руҳида миллий ва диний қадриятларимизнинг сингдирилиши нуктаи назаридан ҳам тарихий ҳодиса, суд-хукук тизими ислохотларини том маънодаги янги такомил боскичи бўлди.

Ушбу давлатлар томонидан қўлланиладиган амалга ошириладиган ҳамкорлик сиёсатининг илгор йўналишларини мамлакатимиз қонунчилик тизимиға жорий этиш ҳамда ваколатларини такомиллаштириш мамлакатимиз ва фуқароларимизнинг тинчилиги ва осойишталигини ишончли таъминлаш йўлидаги дадил қадам бўлиб хизмат қиласи . Зоро, Ички ишлар органлари – Инсон қадри учун фаолият юритувчи тузилмадир!” .

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Зиёдуллаев, М., & Абдуллаев, Ф. (2022). Ички ишлар органлари томонидан қўлланиладиган маъмурий чеклаш чоралари тушунчаси, моҳияти ва турларига оид айрим мулоҳазалар. *Development of pedagogical technologies in modern sciences*, 1(2),
2. Попова Н.Ф., Овчинникова Л.И. К вопросу привлечения общественных объединений к охране общественного порядка // Российский следователь. – 2006. – № 10. – С. 39–40.
3. Организация охраны общественного порядка / Под. ред. Л. Л. Попова. – М., 1984.
4. Криминология / Под ред. проф. Н.Ф. Кузнецовой, проф. В.В. Лунеева. – М., 2004.
5. Nishimura K. On the Nagasaki Beat: the Art of Community Policing (Look Japan. 1997, March). 59 Уэда К. Преступность и криминология в современной Японии / Пер. с яп. – М., 1989. – С. 161.
6. Ишаков С.М. Зарубежная криминология. – М., 1997. – С. 47.

Date: 17<sup>th</sup> November-2024

7. Абдираимов, А., Абдуллаев, Ф., & Норқўзиев, С. У. (2022). Жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарликни такомиллаштиришнинг айрим масалалари: мдҳ давлатлари қонунчилигининг тиббий, қиёсий-хуқуқий таҳлили. *eurasian journal of academic research*, 2(13), 212-217.
8. Абдуллаев, Ф., & Сафиддинов, А. (2022). Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тушунчаси ва унинг моҳияти. *Zamonaviy dunyoda ilm-fan va texnologiya*, 1(7), 263-272.

